

## Ислом Каримов Бокуга келди

Боку, 7 сентябрь. /ЎзА махсус мухбири Фарход Арзиев хабар қилади/.  
Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Буюк Ипак йўли»ни қайта тиклаш бўйича халқаро конференцияда иштирок этиш учун Бокуга келди.  
Боку аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Президентини Хайдар Алиев кутиб олди. Президентларнинг мухтасар мулоқотидан сўнг шу эринг узида Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари учун қисқача интервью берди. Сўнгра Президент Ислом Каримов ўзи учун хоҳирланган қароғоҳга йўл олди. Бу ерда мамлакатимиз раҳбари Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе, Қирғизистон Президенти Аскар Акаев билан учрашди.  
Халқаро конференция 8 сентябрь кунини очилади. Унда жаҳоннинг қирққа яқин мамлакатлари ҳамда йигирмага яқин халқаро ташкилотдан вакиллар иштирок этади.

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

### Маъмурий-бошқарув аппарати ходимлари сонини қисқартиришга доир чора-тадбирлар комплекси тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, республикада бошқарув тузилмалари сонини мабуллаштириш юзасидан кўрилатган чора-тадбирларга қарамай республика бюджетини ва маҳаллий бюджетларнинг маъмурий-бошқарув аппарати ходимлари сонини кўпайиши билан боғлиқ харажатлари ошиб бормоқда.  
Амалда маҳаллий бюджетлар ёки ҳўжалик ҳисоби асосида ишлаётган корхона маблағлари ҳисобига маблағ билан таъминланган фаолият кўрсатиб турган бошқарув тузилмаларини турли баҳоналар ва ҳар хил сабаблар билан кенгайтириш ҳамда янги бошқарув тузилмаларини ташкил этиш ҳолларида мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.  
Бу ортиқча бошқарув аппарати харажатларига анчагина маблағларни жалб этиб барча даражалардаги маҳаллий бюджетларга зарар етказибгина қолмай, энг муҳими, ҳўжалик юритувчи субъектлар мутлақо кераксиз ўнлаб бошқарув тузилмаларини ташкил этиб амалда маъмурий-бўйруқбозлик тизимида қолиб кетмоқда.  
Янги маъмурий-бошқарув тузилмаларининг юзга келиши билан узининг асосий вазифасини бўйруқбозлик кўрсатмалари тайёрлашда ва бошқаруving маъмурий-юрисдикцияда деб билувчи, бу билан баъзан ҳўжалик юритувчи субъектлар - қишлоқ хўжалиги, саноат корхоналари, қурилиш, савдо ва бошқа ташкилотларнинг тадбиркорлик фаолияти эркинлиги ва мустақиллигини йўққа чиқарувчи янги бўйруқбозлик бугунги пайдо бўлмоқда.  
Бундай ҳолни чидаб бўлмайдиган ҳамда бозор иқтисодиёти принциплари ва талабларига мувофиқ келмайдиган ҳолат деб ҳисоблаб Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:  
1. Маъмурий-бошқарув аппарати тузилмасини тақомиллаштириш ва уларнинг ходимлари сонини қисқартириш бўйича Республика комиссияси ва ҳудудий комиссиялар тузилсин.  
Куйидагилар:  
Республика комиссияси; ҳудудий комиссиялар раҳбарлари тасдиқлансин.  
Ҳудудий комиссиялар раҳбарлари молия, солиқ органлари, Қорақалғонистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари назорат инспекциялари, иқтисодиёт ва статистика бош бошқармалари, вилоят меҳнат бошқармалари, ҳудудий адлия органларининг раҳбарларидан иборат ҳудудий комиссияларнинг шах-

сий таркибининг Республика комиссиясига тасдиқлаш учун уч кун ичида киритсинлар.  
2. Республика комиссиясига:  
марказда ва жойларда маъмурий-бошқарув аппарати қасқартириш мақсада мувофиқлиги ва самарадорлигига юқорида баён қилинганлар нуктаи назардан танқидий баҳо бериш, бунда маблағ билан таъминлаш манбаларидан /бюджетдан маблағ ажратиш, бюджетдан ташқари фондлар, корхоналарнинг ҳўжалик фаолиятдан ажратмалар/ қатъи назар кераксиз, ортиқча, бир-бирига ўхшаш бошқарув тузилмаларини тугатишга асосий эътиборни қаратиш;  
ушбу ишларни бажаришда ва тақлифлар тайёрлашда маъмурий-бошқарув аппарати ходимлари сонини 1999 йил 1 январдан бошлаб умуман 20-25 фоизга қисқартириш зарурлигига алоҳида эътиборни қаратиш;  
шу йил 25 октябргача бўлган мuddатда фаолият кўрсатаётган маъмурий-бошқарув тузилмаларини ўрганиш натижаларини умумлаштириш, қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши керак бўлган тузилмалар рўйхатини аниқлаш, шунингдек бошқарув ходимлари сонини қисқартириш бўйича тақлифлар тайёрлаш ва ушбу масала бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилсин.  
3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1999 йил учун давлат бюджетини лойиҳасини ишлаб чиқишда маъмурий-бошқарув аппарати ходимларини қисқартиришдан бўшаб қолган маблағларни, ходимларни моддий рағбатлантириш мақсус жамғармаларидаги ажратмаларни меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаларининг 15 фоизидан 25 фоизгача ошириш ҳисобига кўпайтиришга йўналтиришни назарда тутсин.  
4. Вазирликлар ва идораларнинг, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари мақсус жамғармаларга ажратмаларнинг белгиланган меъёрларидан келиб чиқиб энг фаол ишлаётган ходимларни рағбатлантириш учун берилган имкониятлардан тўлиқроқ фойдалансинлар.  
5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари Б.Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси  
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
1998 йил 7 сентябрь

## Қарор ва иқро

### ...МАҚКОРГА

- Пишлоқнинг нархи қанча?  
- Сизга 500 сўмга сотамаман, олинг ака.  
- Сифати яхшими ўзи?  
- Мана ҳўзир кесиб бераман, мазасини ўзингиз татиб кўрасиз.  
Эқмаса пулингизни қайтариб бераман.  
- Арзонроқ сотиладими?  
- Сиз учун 50 сўм тушиб бердим, олинг, ака.  
Бозорларда бундай баҳс-мунозарани устидан ҳар кун, ҳар онда чиқиш мумкин. Янгича иқтисодий муносабатларда бозор эркинлиги, нарх эркинлигига эришамиз дедигу, лекин бундай «эркинлик»ни ўзича тушунаётган бугунги тадбиркорларимиз кўп ҳолларда истеъмолчиларнинг ишончини оқламаётдилар. Тўғри, бугунги расталаримиз товар-маҳсулотлар билан тўлиқ таъминланган, лекин уларнинг энг арзон, энг сифатли ва яна ҳам муҳимроғи соғлиқ учун зарарсизни танлашда харидорлар кимга таянишни билмай қолишмоқда. Гапга чечан, қўли чаққон бозорчиларга эса... айни вақтда ишонч йўқ.

ш, балиқ ва мева-сабзавот консервалари, пишлоқ, колбаса, тамаки маҳсулотларининг харидорларини эндиликда тайинли дўкон ҳамда супермаркетлар чорлайди. Қарорнинг биринчи бандида кўрсатилишича, юқоридаги маҳсулотлар билан «чакана ва майда улғуржи савдо қилиш зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, мувофиқлик ва сифат сертификатлари, тайёрланган санаси ва яроқлилик муддатлари, нархномалар, товарларни сақлаш ва сотиш учун санитария шарт-шароитлари... мавжуд бўлишини на-

### Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 4 сентябрдаги «Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бунга чек қўяди

акангта неча пулга сотаган» қабилдаги савдолашлар йўқ. Барча маълумотлар - маҳсулот қаерда ишлаб чиқарилган, унинг сифат кўрсаткичи, нархи, сақланиш муддати, истеъмол қилдириш ва ҳатто бўшаган қутиларни нима қилиш зарурлиги харид қилинаётган маҳсулотнинг ўзида мўжассам. Яна бир ҳўзурбахш томони супермаркетда сизга санитария

зарда тутувчи савдо қондаларига албатта риоя қилинган ҳолда фақат турғун савдо корхоналари орқали амалга оширилади». Янгича иқтисодий муносабатлар характерини озми-кўпми тушуниб қолганимиз учун икки нарсани аввалдан башорат қилиш мумкин. Биринчидан, катта рақобат қурашига тайёрлини турган дўконларимиз эндиликда

### ЎХШАЙДИ-КУ!

ва савдо қондаларига қатъиян амал қилаётган йигит-қизлар хизмат кўрсатади.  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 4 сентябрдаги «Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори кўнча киргач, ун, қанд-шакар, ўсимлик ва мол ёғи, маргарин, қуруқ сўт, болалар озиқ-овқати, чой, макарон ва қандолатчилик маҳсулотлар, алкоғолли ва алкоғолсиз ичимликлар, гў-

нархларни иложи борича минимумга туширишга, хизмат кўрсатиш савиясини эса оширишга ҳаракат қила бошлашади. Иккинчидан, истеъмол бозорига ўзини кўрсата олмаган тадбиркорларимиз ўзларини ёқиммат-баҳо қорғозлар бозорига акция сотишга, ёки саноат ишлаб чиқаришига ура бошлашади. Бу икки ҳолатда ҳам Республикаимиз иқтисодиётига фақат фойда қўради.  
Подир АЛИМОВ,  
«Ишонч»нинг иқтисодий шарҳловчиси.

## Изҳори дил

### КЕЛАЖАГИ НУРЛИ ЮРТ

Раҳматилла БЎСОНОВ, Жиззах шаҳридаги Ўзбек Британия («ЖиБри») қўшма корхонаси раҳбари.  
Истиклол - мамлакатимиз ҳар бир фуқароси тақдирини ижобий томонга ўзгартириб юборди, назаримда. Шу билан биргаликда кишиларнинг онги ва дунёқарашини кескин буриштириб ясалди. Шу жумладан менинг ҳам. Мен икки жиҳатга тўхталмоқчиман. Тадбиркорлик ва боқимандалик. Бу икки тушунча бир-бирига қарама-қарши ва зид. Биринчиси билан мамлакат ривожланиб, тараққий топса, иккинчиси бунинг акси. Демак, мамлакатимизга тадбиркорлар жуда ҳам зарур. Мен ҳам ўзимни ана шундай тадбиркорлардан бири деб

биламан. Бундан етти йил илгари тадбиркорлик қилиш, ўзга олим мамлакатлар билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг чека вилоятларида қўшма корхоналар қуришни тасаввуримга ҳам сиздиролмасдим.  
Мамлакатимиз истиклолга эришгач, Жиззах вилоятида ҳам қўшма қўшма корхоналар бунёд этилди. Шулардан бири - Ўзбек-Британия («ЖиБри») қўшма корхонасидир. Корхона ёғ ишлаб чиқаришга иxtисослашган бўлиб, у йилга 50 минг тонна чигитдан ёғ олиш қувватига эга. Бу вилоятни тўлиғича пахта ёғи билан таъминлаш имконияти демакдир. Истиклол фарзанди бўлган қўшма корхонамиз келажикда янги-чак мазмун касб этаквершишга ишончим комил.  
Хизмат тақозоси билан кўпинча хорижий давлатларда, шунингдек, мустақил ҳамдустлик мамлакатларида сафарда бўлишимга тўғри келади. Бизнинг юртимиздагидек қурилиш ва бунёдкорлик ишлари қилинаётган жойини кўрмадим. Жонажон мамлакатимизни улкан бир яратувчилик ишлари кетаётган ҳавозага қибс қиламан. Ҳамма жойда бунёдкорлик ишлари бораёпти. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришга хизмат қиладиган жуда кўплай йирик объектлар қурилиб, улар бугунги кунда ўзининг дунё талабларини даражасидаги маҳсулотини бера бошлади. Бунинг биринчи бизнинг қўшма корхонамиз мисоллари кўрсатади. Қўшма корхонамиз ойнага 150 тоннадан ортиқроқ ёғ ишлаб чиқариб, эл дастурхонига тортиқ қилаёпти.  
«Ишонч» мухбири Абдуманнон АЗИМОВ ёзди.

## ЖАҲОН СПОРТИДА ЯНГИЛИК



Жонажон Республикамиз пойтахтидаги «ЖАР» спорт мажмуида Ўзбекистон Президенти кубоғи учун жаҳоннинг машҳур полвонлари иштирокида бошланган мусобақалар навқасега өтди. Бу мусобақа Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда спортдаги маъноси янада ўсаётганини кўрсатди.  
Бу ҳақда газетамизнинг 4-саҳифасида ўқийсиз.  
Суратда: кубок соҳиби туркиялик Селим Татарўғли ва қумуш совриндор грузиялик Давид Хахалишвили.

## Касаба уюшмалари ҳаёти

### МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ОГИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛАЙЛИК

Ҳар бир шахс ёки жамоа ўтган йилларга сарҳисоб ясаши, келаятган йил учун режалар тузиб, ўтган йилда амалга ошмаган орзу-ниятларини режаларини тузиб олиши қадимдан маълум. Шу маънода мустақилликимизнинг еттинчи йилда қандай ишлар амалга оширилди ва келгусидки режалар қандай? Жамоатчи муҳбиримиз Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг уринбосари, республика соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг раиси Озода МУҲИТДИНОВА билан шу ҳақда суҳбатлашди.  
- Озода Анаваровна, аввал-сизни мустақилликимизнинг 7 йиллик байрами билан табриқлайман. Айтинчи, шу раҳбарлик қилаётган тармоқда шу йиллар мобайнида қандай янги аниқлаш содир бўлди? Касаба уюшмаларининг иш услубида ўзгаришлар бўлаётми?  
- Узингизга маълумки, республикамиз мустақилликка эришгач, касаба уюшмалари ҳаётида ҳам муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Бу айниқса, Ўзбекистон касаба уюшмаларининг XIV қурултойидан кейин яқоли сезилди. Айни пайтда республикамизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларда касаба уюшмалари ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Шунингдек касаба уюшмалари мустақиллик шартинида самарали ишчи таъминлаш мақсадида аввалги касаба уюшмалари қўмиталарини ислох қилдилар, замонамизга хос бўлмаган қўшма функциялардан воз кечишди, касаба уюшма аъзо-

ларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳамда маънавий манфаатларини ҳимоя қилишнинг биринчи уринга қўйдилар. Шу билан бирга давлатимиз мустақилликни қўлга киритгандан бошлаб Федерация кенгаши ҳамда аъзо ташкилотлар яқин ҳам узок чет эл касаба уюшмалари марказлари билан мустақил алоқа қилиб келмоқдалар.  
Касаба уюшмалари меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, меҳнатни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқаришда нормал шартон яратиш сингари масалаларга ҳам катта эътибор бермоқдалар. Қўшмаликка маълумки, бизнинг тармоқда асосан аёллар меҳнат қилишади. Шаҳсан Президентимиз Ислом Каримов хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш масалаларини ҳал этишга жалб этиш, уларнинг давлат

ва жамоат бошқарувидаги иштирокини оширишга доимий ғамхўрлик қилмоқдалар. Уз навбатда вилоят касаба уюшма қўмиталари ўзларининг кенгашиларда хотин-қизлар комиссиясини тасдиқлашган. Мазкур комиссияларнинг иш режаларида соғлиқни сақлаш муассасаларида ишлаётган хотин-қизларга қўлай ва ҳарфсиз меҳнат шартон яратиш, меҳнатни муҳофаза этиш, ходимлар иш ҳақини тўғри тақсимлаш, ишдаги юқори кўрсаткичлари учун моддий ва маънавий рағбатлантириш, қўшимча таътиплар бериш, зарарли меҳнат шартонда ишлаётган ходимларни сўт маҳсулотлари билан таъминлаш, иш вақти меъёрланмаган ходимларга қўшимча таътиплар режалаш каби илтиёзлар ўз аксини топган.  
(Давоми 2-бетда)

## «Ишонч» мақолалари изидан

### «ШОДЛИК»НИНГ ШАРТИ КЕТДИ

1998 йил 15 август 96(598)-сон  
санин мутасадди ташкилотлар вакилларидан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, жамоа корхонаси фаолияти ўрганиб чиқилган. Ишчи гуруҳи ҳулосасига асосан «Шодлик» жамоа корхона-

нинг аъзолари томонидан ҳаракатдаги қонун бузилишларига олиб қолганини сабабли Давлат мулк бошқармаси томонидан берилган Давлат орденини бекор қилишга ҳуқуқ тарғибот органларига қўриб қилиш ва ҳал қилиш учун тақдим этилди.  
Қашқадар вилоят, аҳолига маънавий хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар Уюмчаси раиси М.ТУВЛИҚОВ

нинг аъзолари томонидан ҳаракатдаги қонун бузилишларига олиб қолганини сабабли Давлат мулк бошқармаси томонидан берилган Давлат орденини бекор қилишга ҳуқуқ тарғибот органларига қўриб қилиш ва ҳал қилиш учун тақдим этилди.  
Қашқадар вилоят, аҳолига маънавий хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар Уюмчаси раиси М.ТУВЛИҚОВ

## ЕТТИ ИККИМ НАФАСИ

П.Е.К.И.Н. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Мэри Робинсон Хитойга ташриф буюрди. У ташриф давомида Хитой раҳбари Цзян Цзэмин билан учрашди. Хитойнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро конвенцияни қандай бажараятгани билан танишади. Шунингдек, Робинсон хонинг Тибет ўлкасида ҳам бўлиб, маҳаллий ҳокимият ва дин вакиллари билан мулоқотда бўлди. Ташриф давомида Олий комиссарнинг адлия вазирлиги, аҳоли ҳавфсизлигини ҳимоя қилиш ва олий халқ суди раҳбарлари билан ҳам музокаралар олиб бориши мўлжалланган.

## ИСЛОМОБОД

Кобулнинг шимолӣ қисмида «Толибон» ҳарбий гуруҳлари билан Аҳмадшоҳ Мавсуд қўшинлари ўртасида шиддатли жанглар давом этмоқда.  
Хабарларга қараганда, жанглар Кобулдан 40 километр узоқликдаги туманларда кечмоқда. Аҳмадшоҳ Мавсуд қўшинлари Кобулни оғир замбараклар ва ракета қуришларидан ўққа тутмоқда.  
Кейинги пайтда Аҳмадшоҳ Мавсуд бир неча муҳим таянчларини қўлдан берган бўлса-да, Кобул шимолдаги икки вилоятни ўз назорати остида ушлаб турибди. Толиблар Аҳмадшоҳ Мавсуд қўшинларининг Кобулга киришини ҳимоя қилишга мувофаққа янги кучларни ташламоқда.

## НАЙРОБИ. Руандада ҳукумат қўшинлари билан бўлиб ўтган тўқнашда Киву-гу қамқонасидан маҳбусларни озод этиш ниятида ҳужум уюштирган 100 дан ортиқ Хуту исёнчилари ўлдирилди.

Маҳаллий ҳарбий қўмондонлик вакиллари маълум қилишича, қамқонга ҳужум уюштириш натижасида 350 нафар маҳбус озодликка чиқишга муваффақ бўлди.  
Қузатувчиларнинг фикрича, исёнчилар Руанда ҳукумат қўшинларининг бир қисми Конго Демократик Республикасида жанг қилаётганини ҳисобга олиб, Киву туманида қаршилик бўлмади, деб ўйланган.

## ОТТАВА. Беш кундирки, Канадада авиация катновни издан чиққан. «Эйр Канада» авиакомпаниясининг 2 мингдан ортиқ учувчиси ўз машорларини ошириш ва меҳнат шартонларини яхшилашни талаб қилиб ишга чиқмапти. Натижада ўнлаб халқаро йўналишдаги халқ катнов тўхтаб қолган. 16 та самолёт ҳавога қутарилмаётгани боис кўнга 600 га яқин авиакатнов бошқа қўнга қолдирлабтир. Ун минглаб йўловчилар аэропорт залларида тунаб қолишга мажбур бўлмоқда.

## С.Я.Н.Г.А. Камбожа кирғили Нордоном Сианук мамлакатда юзга келган конституциявий ҳамда парламент танглигини бартараф қилиш бора-сидаги савий-ҳаракати барбод бўлса, тахтдан воз кечини мумкинлигини эълон қилди. Бу ҳақда у мамлакатдаги сийсий партиялар вакиллари ҳам оғоҳ этди.

Маълумки, шу йил 26 июлда мамлакатда бўлиб ўтган парламент сайловида Камбожа халқ партияси ғолиб чиққан эди. Бирок партия ҳукумат таркибининг мустақил равишда тузиш ваколатини қўлга кирита олмади. Натижада мазкур партия муҳолифатдаги Фунсинек ва «Хмер миллати» партияларига биргаликда коалицион ҳукумат тузишни тақлиф этди. Лекин улар сайлов жараёнида қонун бузилишини йўл қўйилган, деб Камбожа халқ партияси тақлифини рад этмоқда.

Касаба уюшмалари ҳаёти

МЕХНАТ КАШЛАРНИНГ ОФИРИНИ ЕШИЛ ҚИЛАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Масалан, Сурхондарё вилояти тармоқ касаба уюшма кўмитаси тармоқда меҳнат қилаётган хотин-қизлар соғлиғини мустаҳкамлаш мақсадида шахар ва туманлар маслаҳатхоналаридан мутахассислар тақлиф этиб, аёлларни табиий кўриқдан мунтазам равишда ўтказиб, улар билан қизқарлик суҳбатлар олиб боришни йўлга қўйган.

Анджон, Сурхондарё, Фарғона, Наманган вилоят кўмиталарида аёллар ўртасида турли тадбирлар ўтказилмоқда. Масалан, ҳамшираларнинг малакасини ошириш мақсадида турли танловлар ўтказилмоқда.

Сурхондарё вилоятидаги Музробот туман марказий касалхонасининг бўлимида дам олиш хонаси, овқатланиш хоналари ташкил этилган.

Озода Анарвова, тармоқда «Оила йили» дастурини бажариш борасида қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

1998 йил «Оила йили» деб эълон қилиниши муносабати билан тармоғимизда оила манфаатларини ҳимоя қилиш юзасида тадбирлар режасини тузиб, уни ҳаётга тадбиқ этиш учун барча қоралар қўрилмоқда. Шунингдек, ёрдамга муҳтож бўлган тиббиёт ходимлари оилаларига моддий ёрдам берилмоқда. Масалан, Бекобод туманида бевақт вафот этган тиббиёт ходимлари оилаларига 25 минг сўм моддий ёрдам берилди. Бундан ташқари, Сурхондарё вилоятида кам даромадли, ногирон, касалманд 13 нафар ходимга озиқ-овқат мақсулотлари тарқатилди. Қашқадарё вилоятида ҳам бу иш яхши йўлга қўйилган. Вилоятдаги тизимда меҳнат қилаётган, кам таъминланган ҳамда муҳтож оилаларни «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимининг ходимлари билан аниқламоқдалар.

Барча муассасаларда, тиббиёт бўлими юртимизда «Оила йили» муносабати билан режалаштирилган мазмуларда урчушулар, дара суҳбатлари ўтказилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида кам таъминланган оилаларга, уруш катнашчиларига 297 минг сўмлик моддий ёрдам қўрилди. Бухоро вилоятида эса оила йилига бағишланиб «Отам, онам ва мен» спорт мусобақаси ўтказилди. Шунингдек, вилоятда тиббиёт ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзоларида 146 нафар киши республикамизнинг турли санаторийларида соғломлаштирилди. Жорий йилда Тошкент шаҳридаги соғлиқни сақлаш ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш учун 50 миллион сўмдан зиёд маблаг сарфланди. Шу ўринда 1-Тошкент тиббиёт институтининг касаба уюшма кўмитаси фаолияти ҳақида тўхталиб ўтмоқчи эдим. Касаба кўмитаси ўз аъзолари ҳамда уларнинг фарзандларини санаторийларда соғломлаштириш билан бирга ёзги даврда ўз ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзолари, студентларнинг спорт-соғломлаштириш оромоғларида дам олишларини ташкил этди. Шу мақсадда касаба кўмитаси томонидан 154 минг сўм сарфланган. Тошкент педиятри тиббиёт институтида эса 50 ўринли дам олиш уйи фаолият қўрсатмоқда. Хар йили у ерда 250 нафар хизматчи оила аъзолари билан бирга

соғломлаштирилмоқда. Институт маъмурияти йўлланма баҳосининг бир қисмини ўз зиммасига олган. Шу билан бирга дам олишнинг бепул транспорт хизматидан фойдаландилар. Бунинг учун маъмурият томонидан 1 миллион 350 минг сўм сарфланди. Бундай фаолият қўрсатилган касаба уюшма кўмиталарининг рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Касаба уюшмалари меҳнат жамоаларида маданий-маърифий ишларни олиб боришга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтсангиз.

Меҳнаткашларнинг бўш вақтларини тўри ташкил этишда уларнинг маданий-маънавий камол топишида, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун биз барча шарт-шароитларни яратиб беришимиз зарур. Шу тўғрисида биз хар йили турли спорт мусобақалари ҳамда курик-конкурслар ўтказиб турибмиз. Масалан, бу йил биз «Хамшира-98» курик-танловини ўтказдик. Мазкур курик-танлов аввал туман, кейин эса вилоят ҳамда республика миқёсида ўтказилиб, голиблар дипломлар ҳамда қимматбаҳо совғалар билан мукофотланди. Янгиёул шаҳрида эса тиббиёт ходимлари ўртасида «Халқ талантлари» бадиий курик танлови ўтказилди. Каттакўрғон шаҳрида эса «Оила йили» муносабати билан бадиий хаваскорлик курик танлови бўлиб, унда Нуробод, Иштихон ҳамда Нарпай районларидан бадиий жамоалар иштирок этдилар. Унинг яқинлочи қисми Самарқанд шаҳрида ниҳоятга етди. Голиблар тармоқ касаба уюшмалари вилоят кўмитасининг қимматбаҳо совғалари билан мукофотланди. Шунингдек, Самарқанд вилоят тиббиёт жамоалари ўртасида спортнинг волейбол, баскетбол, футбол, теннис, шашка ва шахмат турлари бўйича ўтказилган спартакиада кўпгина муҳлисларда жуда яхши таассурот қолдирди. Жиззах вилоят ҳокимлиги ҳамда вилоят касаба уюшмалари кенгаши билан ҳамкорликда «Оила саломатлиги - жамият бойлиги» мавзуси Мирзачўл, Зарбдор, Фалларол районларида семинар йиғилишлари ўтказилди. Уларда «Оила - муқаддас Ватан», «Бир болага етти қўшни ота-она», «Фарзанд тарбияси оиладан бошланади» мавзуларида маъруза ва суҳбатлар бўлиб ўтди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишим лозимки, касаба уюшма органлари олдидан улкан вазифалар турибди. Буни ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг раиси Д.Жаҳонгирова Федерация кенгашининг 17 мажлисида алоҳида таъкидлаб ўтди. Ушбу мажлисда касаба уюшмаларининг жамият ривожидagi ролини кенгайтириш, меҳнаткашларни соғломлаштиришнинг энг замонавий усулларини излаб топиш, меҳнаткашларнинг бўш вақтини тўри ташкил этиш, уларнинг маънавий, маданий камол топиши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб зарурлиги алоҳида таъкидланди. Уйлайманки, биз мустақилликнинг 8 йиллигининг дастлабки кунларида-юки ана шу вазифаларни бажариш учун куч-ғайратимизни сарфлаймиз.

Суҳбатловчи: Неймат РАФИҚОВ.



Қашқадарё вилоятидаги «Ипак йўли» номли қишлоқ ҳўжалик пайчилик жамиятида чорвачиликка ҳам етарли аҳамият берилмоқда. Бу ерда 423 бош қорамол парваришланаяпти. 130 бош соғин ситирдан олинаятган сут микдори тобора ошмоқда. Бунда озуқа базасининг мустаҳкамлиги кўл қўлмоқда. Ҳозирги кунда жамиятда чорва қишлови учун озуқа жамғариш қизғин бормоқда.

Сураатда: молбокар Шариф Раҳимов ва ферма мудири Мамат Самадовлар тўплаган озуқа сифатини кўздан кечиришмоқда.

Ш.СУЛТОНОВ олган сурат.

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДА НИМА ГАП?

1991-1990 йиллари қуррамада ўртача йиллик ўсиш 2,8 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 1991 йилда 0,8, 1992 йилда 1,8, 1993 йилда 1,4 фоизга тенг эди. 1994 йилдан ўсиш бошланди ва 1998 йили ҳам 3 фоиз атрофида кўтарилиши кўтилмоқда.

Ривожланган мамлакатларда 1981-1990 йиллари ўртача 2,4 фоиз, 3,3 фоиз, 1998 йилда 5 фоиз ўсиш башорат қилинади. Шу билан бирга ўтган йилнинг охирида Осиенинг етакчи ривожланган ва ривожланаётган давлатларида иқтисодий ўсиш анча пасайган, молиявий инқироз бўлди, бу айниса Индонезия, Малайзия, Жанубий Корея, Япония ва бошқаларга салбий таъсир қўрсатди.

Лотин Америкаси ва Карий ҳавзаси, Фарбий Осиё давлатларида иқтисодий ўсиш 5 фоиздан ортқ бўлган ҳолда Африка минтақасида бу кўрсаткич фақат 3,3 фоиз атрофида қолган. Лекин истиқболда Африка давлатларидаги ўсиш 4 фоизга етиши кўтилмоқда.

1991-1990 йиллари қуррамада ўртача йиллик ўсиш 2,8 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 1991 йилда 0,8, 1992 йилда 1,8, 1993 йилда 1,4 фоизга тенг эди. 1994 йилдан ўсиш бошланди ва 1998 йили ҳам 3 фоиз атрофида кўтарилиши кўтилмоқда.

Ривожланган мамлакатларда 1981-1990 йиллари ўртача 2,4 фоиз, 3,3 фоиз, 1998 йилда 5 фоиз ўсиш башорат қилинади. Шу билан бирга ўтган йилнинг охирида Осиенинг етакчи ривожланган ва ривожланаётган давлатларида иқтисодий ўсиш анча пасайган, молиявий инқироз бўлди, бу айниса Индонезия, Малайзия, Жанубий Корея, Япония ва бошқаларга салбий таъсир қўрсатди.

Лотин Америкаси ва Карий ҳавзаси, Фарбий Осиё давлатларида иқтисодий ўсиш 5 фоиздан ортқ бўлган ҳолда Африка минтақасида бу кўрсаткич фақат 3,3 фоиз атрофида қолган. Лекин истиқболда Африка давлатларидаги ўсиш 4 фоизга етиши кўтилмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларнинг барчасида 1997 йилда иқтисодий ўсиш қуатилди, аммо бу ривожланиш ниҳоятда бекардорлиқ: масалан, Россия Федерациясида бу оқсобида ҳалғанича мавжумлиғича қолаятгани ташвишлидир. Молия инқирози тўғрисида бир қанча ривожланган давлатларда иқтисодий ўсиш суръатлари анча пасайди. Айниса, АКШдан

Мустақиллик ва қадриятларимиз

«...Тарихий тажриба, анъаналарнинг мерос бўлиб ўтиши - буларнинг барчаси янги-дан-янги авлодларни тарбиялайдиган қадриятларга айланиб қолмоғи лозим. Марказий Осиё тарихида сиёсий ақл-идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк арбоблар кўп бўлган...»

Ислон КАРИМОВ.

Йўлбошчимизнинг машҳур китобларидан келтирилган кўчирмаларга изоҳ ҳолат эмас. Ундаги дастлабки сатрлар ишмишимизнинг туб йўналишини белгилаб беради. Кейинги сатрлар эса бош руқимизнинг навбатдаги мавзун бўлиши - Абдурауф Фитрат фаолиятига гоят мантқий боғлиқдир. ...Зеро, Фитрат аини XX аср бошларида диний дунёқараш билан дунёвий илмларни ўзида мужассам этган қомусий арбобларимиз бўлиши - Бехўбудий, Садриддин Айний, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Элбек, Ғозий Юнус, Ваҳуд Маҳмуд сингари талай буюкларимиз каторидан ўзига хос энг муносиб мавқега эришган сиймо бўлиб, миллий уйғошиш ва миллий истиқлол дарди билан майдонга чиқади...

Фитрат бошланғич мактаб ва мадраса таълимини мукаммал олган, ўша ўқиб юрган кезларидаёқ шеърлар ёзган, форс, араб ва бошқа туркий тилларни ўрганган, бутун шарқ олами ва у орқали жаҳон ахборотини мутасил қузатиб борган, уларга ўз муносабатларини ҳам баён қилиб турадиган даражага тезда кўтарилган шахс эди... Эътибор қилинг, воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиш, қузатиш, уларни фалсафий идрок этиш билан муайян хулосалар чиқара олиш - хар бир зиелидан жуда катта истеъдод талаб қилади. Ана шу савияга эга бўлган арбобгина воқеаларга ўз қарашлари, муносабатларини билдиришга тўролмайдми - бундай фазилят эса, шахсни эл-юрт, Ватан, миллат, халқ дарди билан яшашга олиб келади. Бундай шахс бутун умрини халқ ва жамият тақдири билан боғлабгина ўтказишни ўз хаётининг мазмуни деб билади, бу унинг олий мақсади бўлиб қолади.

Албатта XX асрда майдонга чиқиб Истиқлол дарди билан ёниб яшаган, курашган бир қатор буюкларимиз борлиғи маълум, бироқ буларнинг хар бири ўз фаолияти билан (гарчи бир олий мақсадда бир бўлсалар-да) ўзаро айрим тафовутлари ҳам бўлган. Бу хусусият шунда қўриладики, ўз мақсади - миллий озодлик, мустақиллик учун курашлар жараёнида Фитрат, Бехўбудий, Қодирий, Чўлпон айниса жасоратли бўлганлар, ҳаётлари нақадар тахлика остида қолган кезларда ҳам ўз кураш йўлларидан, эл-юртни, айниса ёшларни истиқлол учун курашга турли шаклларда даъват этишдан қўрқмаганлар... Бу чинакам жасорат эди. Фитрат маънавий меросини ўрганиши хозирги ёшларимизни мустақиллик гоёлари руҳида тарбиялашга қўмак беради. Уларнинг дунёқарашида истиқлолга садоқат гоёларини шақлантиради, мустақамлайдми, барча соҳаларда амалга оширилаятган ислохотларда фаол иштирок этишга чорлайди...

Агар биз Фитрат маънавий меросига назар ташласак, юртбошимиздан келтирилган кўчирмадаги - диний илмлар билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этганлик, сиёсий қарашларидаги жасорат ва ҳоказо энг етуқ сиймоларга хос фазилятлар унда мавжуд бўлганлиғига тин берамиз. Шу ўринда аини кунлардаги бир нуктага эътиборни жалб этиш жоиз қўрилади. Радиодаги «Маориф ва тарбия» тахририяти диний мавзу-

қил этади... Бугина эмас, қарамлик, ожизлик, мугълиқдай ҳўрлик нақадар каттик қораланади, инкор этилади, куч билан, «исён» билан озодликка, эркинликка эришиш жуда катта бадиий куч, чўқур фалсафий идрок, юксак жасорат билан тарғиб этилади. Кейинги йилларда Фитрат асарлари-ю, дунёқарашини, драмалари-ю, илмий - маърифий фаолиятлари ҳақида анча-мунча тадқиқотлар пайдо бўлди ва бу ишлар ҳамон давом этмоқда. Бу албатта буюк истиқлолимизнинг бизга миллий маънавиятимиз, тарихимиз, адабий ва маънавий меросимиз, хуллас бутун энг яхши миллий қадриятларимизни тиклаш борасида ота эътибонга гоят шарафли неъматидир... Бу ҳар нарсас билан қиёслаб бўлмайдики, баъҳо мукофот иш моҳиятига чўқур тушуна олиш учун хар бир шахс онги, тафаккури, маънавий савиясини кўтариш - бугун энг олий мақсадимиз, энг муқаддас бурчимиз эканини ҳаммамиз ҳам тушуниб етамизми?! Афсуски, бу муаммони тўла хал бўлган деб ҳисоблай олмаимиз... Негаки, Фитрат ва жадидчиликни бир-биридан айирмаган ҳолда ўрганишни, янада аниқроғи, тўғрроқ илмий дунёқараш замирида ўрганишни 70-йилларнинг ўрталарида адабиётшунос олим Эрик Каримов «Ўзбек адабиётида реализм тараққиёти» номли китобида бошлаб берган. Хозирги қиққан «фитратшинос»ларнинг биронтаси у ҳурматли зотнинг номини тилга олмайдилар... Ундан кейин 1983 йилда мазкур мавзуга биринчи бор қўл уриб, Эрик Каримов ишларидаги фикр-мулоҳазаларини давом эттирган, баҳоли қудрат қўшимчалар қилган қамина бўлди. «Адабий мерос ва замонавийлик» деган китобининг 74-104 бетлари шунга бағишланган эди. Ундан кейин 1991 йилда «Абдурауф Абдурахмон ўғли Фитрат» номли махсус китобча, 1997 йилда нашр этилган «Истиқлол ва адабий мерос» номли ўқув қўланма ва бир қатор газета-журналларда эълон қилинган мақолаларимизда Фитрат ва унинг фаолияти, ҳаёти, дунёқарашини, илмий-назарий асарлар, маънавий мероси ҳақида, бир қатор фикр-мулоҳазалар баён қилган эдик. Аммо бу билан Фитрат маънавий хазинасини ўрганиш ҳали адо бўлмайди. Унинг мероси моҳиятига чўқур кирган сари янгидан-янги кирралари очилаверади. Эндиғи тадқиқотларда аини шу нуктага аҳамият берилсагина - ушани ижодий иш деб ҳисоблаш мумкин бўлади. Айтилганларни тақрорлаб ўз кашфиёти сифатида эълон қилаётганларга биз хозирча фақат инсоф тилаш билан чекланиб тураемиз... Бу гап Бехўбудий, Қодирий ёки Чўлпон каби барча замондош сиймоларимиз ҳаёти, ижодий фаолиятига оид «иш» ёзаётганларга ҳам тегишлидир. Хозирча номларини тақрорлаб ўтирмаймиз... Аммо биргина далил келтираримиз - «Алломиш» дostonининг катта юбилейи ўтказиладиган бўлгандан буюн ахборот воситаларида шу ҳақда анча гаплар бўлиб турибди. Айниса телерадио бу мавзуга кўпроқ ўрин бе-

ларда қарий икки йиллардан буюн - бу соҳадаги мутахассис - Сирожиддин Саидбурхон ўғиллари суҳбатини бериб келди. Бу ҳурматли зотнинг чўқур илмий мулоҳазалари, Курьоний Карим ва ҳадисларга таяниб, аниқ тўла, оддий ва ҳаммага тушунарли иборалар билан йўғрилган амирмаъруфлари тингловчилар руҳига нур ёғдираётганини таъкидлашни истардик.

Хуллас, Сирожиддин Саидбурхон таъкидлайдики, Курьон оятлари заминда таъкидланишига таяниб айтишларича - инсон ўз истеъдоди, ўқиб-ўрганиши, қобилияти билан дунёни обод қилувиши энг улуг зот. Аини шу илм, билим, ҳунари ва қобилияти билан фаришталардан қўра улғурқок мавқега эга экан. **Жамият ҳаётига оид-тараққиётда фаришталар бевосита иштирок этолмаганлари сабабли - Инсонга нисбатан ожизлар.** Инсон эса, дунёни обод қилишда улардан юқори туради. Биз то яқин келажақкача «Инсон деган ном - мағрур жаранглайди» калимасини фақат Максим Ғорький фикри деб келганми. Қамина бу иборани дастлаб Жалолоддин Румийдан ўқиган эдим. Ваҳоланки, бу ҳаммаси Курьоний каримдан олинганини билмасдик-да! Аммо Фитрат ҳам диний илмлар, ҳам дунёвий билимларни ўзида мужассам этган қомусий олим, шоир, адиб сифатида бундай таълимотлардан чўқур хабардор эди. Унинг қатор асарларида, шеър, ҳикоя, драмалари, илмий-назарий мақолалари, публицистикаларида бу ҳолларни қўраимиз. 20-йилларнинг ўрталарида ёзган «Бедил», «Умар Хайём» айниса - «Шайтоннинг тангрига исёни» сахна асариди фаришталар билан олиб борилган суҳбатларда - илм, фан, дунёни обод қилиш сингари энг мураккаб фалсафий мавзулар ўртага ташланади, маърифат, маънавият олами шундай улғуланади.

«Шайтоннинг тангрига исёни» асаридиға мана бу сатрларга бир эътибор берсак, бу гоани яқол қўраимиз: Бунда биз Фитратнинг мугълиши, қарамлик, ожизликка қарши гоят жасорат билан бош кўтариши, исён қилиши ўта ўзига хос рамзий шаклда, бадиий юксак савияда ифода этилишига ҳайрон қоламиз...

**Нечун эмиш бу тубанлик, бу ҳўрлик, Бу онгсизлик, бу жонсизлик, бу қўрлик? Миллионларча ихтиёрсиз маҳлудлар, Минг йиллардан бери мана шундайин, Юмиш кўзин, ерга қўйиши манглайин.**

«Субҳон-субҳон - сайрамоқдир ишлари, Кимга қандай фойда бордир бу ишдан, Бир турлидир баҳорлари, кишлари, Кўкармайлар, очилмайлар, сўлмайлар Юксалмайлар, яратмайлар, ўлмайлар - йўқлик» эмас бундай «борлик»дан ёмон, Сатрлардаги фалсафий мушоҳадалар моҳиятига чўқурроқ кириб борсак, инсон ва унинг дунёни обод қилишга, яъни хозирги ибораларда айтсак, жамиятнинг ривожлантиришга ёниб даъват қилиш мазкур асарнинг бутун гоёвий мундарижасини таш-

раётгани яхши. Бирок бир неча фольклоршунослар чиқиб, бундан янги асра қилгари - Ходи Зариф, Ғозий Юнус кабилар баён қилган мулоҳазаларга хали бирон янгилик қўшганлари йўқ. Қўшган бўлсалар-да, ўта жузвий. Бунинг устига ҳафтасига бир неча бор бахшиларини соатлаб радиода «Алломиш»дан ўқитилаверишида ҳам меъёр талаб қилинмайдими? Тўри, ниш янги, хар қандай ниятда ҳам яхшилиқдан ташқари меъёр деган тушуна ҳам борки, бунга рияз қилмаслик ниятнин амалга оширишда салбий таъсир қўрсатиб қолади. Меъёрни бирор соҳада бузишга етуқ зиелининг дағқи йўқ... Халқ мақолларида «қош қўяман деб кўз чиқарман» ҳақ гап ҳам бор...

Биз келтирган дадилларнинг Фитрат меросини ўрганишга қандай дахли бор, дерсиз. Шундай дахли борки, асти қўяверинг! Фитрат ўз асарларида «Бедил», «Фурс шоири - Умар Хайём» ва бошқалардан қарашлари саёз, ўз манфаати учун бор-йўғини сотиб юборишга тайёр турадиган вужудларнинг жирканч қиёфаларини аёвсиз фош этиб ташлар, уларга нисбатан нафрат уйғотар, хар хил йўллар билан Истиқлол гоёсини кўйиниб тарғиб қиларди. Шу дунёқарашдан жасорат билан бориб, озодлик, эркинлик, мустақилликни ниҳоят улуғлаб, ҳатто жаннат деб аташга боради. XX асрнинг 10-20-йилларидаги Фитратнинг сафдошларидан биронтаси, гарчи озодлик, эркинликни улғулаганларида ҳам, уни жаннат билан тенг ўринга қўйганларини ўчратганимиз йўқ...

Ватанини мустақил ҳолда кўйиш, миллий озодликка эришиш учун кураш гоёлари «Ҳинд ихтилочилари», «Бедил», «Умар Хайём», «Шайтоннинг тангрига исёни» асарларида, «Шарқ сиёсати», «Юрт қайғуси» туркумидиғи қатор мақолаларида, «Ҳинд сайёҳи» ҳикоясида гоят катта маҳорат ва айтиш мумкинлики, жасорат билан ифода этилади...

Биз номларини тилга олиб ўтган асарларда Фитрат асосан ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, уларнинг онгига Ватан ва халқ муҳаббатини энг олий маънавият тарзида сингдиришга шундай жон куйдириб интиладики, бу мақсадни ифодалашда унинг қаламидан оқаятган хар бир сўз, хар бир ибора, ёки ифода - муаллифининг қони, жони, бутун вужуди алангаларидан сачраб чиқаятган олов парчалари тарзида қайноқлиғи билан қалбларини қизитиши ларзага солади, ҳиссиётларимизни жунбушга келтиради, қалбларимизга нур таратади... Чўнқик Фитрат бу сатрларни ёзаётганда ўзи худди шу ҳолатларни биз уйлағандан қўра ҳам чўқурроқ кечирган бўлса керак... Мана шу руҳдаги бир шеърни фақат ёшларга аталган бўлиб, унга «Угут» деб сарлавҳа қўяди. Мана бу сатрларнинг мағзини қақинг! Қайси бири эскирган, қайси бири бугунга тўри келмайди? Ваҳоланки, бунинг ёзилганига ронпа-роса 73 йил бўлди...

4. ФИДОЙИЛАР

қиёфаларини аёвсиз фош этиб ташлар, уларга нисбатан нафрат уйғотар, хар хил йўллар билан Истиқлол гоёсини кўйиниб тарғиб қиларди. Шу дунёқарашдан жасорат билан бориб, озодлик, эркинлик, мустақилликни ниҳоят улуғлаб, ҳатто жаннат деб аташга боради. XX асрнинг 10-20-йилларидаги Фитратнинг сафдошларидан биронтаси, гарчи озодлик, эркинликни улғулаганларида ҳам, уни жаннат билан тенг ўринга қўйганларини ўчратганимиз йўқ... Ватанини мустақил ҳолда кўйиш, миллий озодликка эришиш учун кураш гоёлари «Ҳинд ихтилочилари», «Бедил», «Умар Хайём», «Шайтоннинг тангрига исёни» асарларида, «Шарқ сиёсати», «Юрт қайғуси» туркумидиғи қатор мақолаларида, «Ҳинд сайёҳи» ҳикоясида гоят катта маҳорат ва айтиш мумкинлики, жасорат билан ифода этилади...

қиёфаларини аёвсиз фош этиб ташлар, уларга нисбатан нафрат уйғотар, хар хил йўллар билан Истиқлол гоёсини кўйиниб тарғиб қиларди. Шу дунёқарашдан жасорат билан бориб, озодлик, эркинлик, мустақилликни ниҳоят улуғлаб, ҳатто жаннат деб аташга боради. XX асрнинг 10-20-йилларидаги Фитратнинг сафдошларидан биронтаси, гарчи озодлик, эркинликни улғулаганларида ҳам, уни жаннат билан тенг ўринга қўйганларини ўчратганимиз йўқ...

Ватанини мустақил ҳолда кўйиш, миллий озодликка эришиш учун кураш гоёлари «Ҳинд ихтилочилари», «Бедил», «Умар Хайём», «Шайтоннинг тангрига исёни» асарларида, «Шарқ сиёсати», «Юрт қайғуси» туркумидиғи қатор мақолаларида, «Ҳинд сайёҳи» ҳикоясида гоят катта маҳорат ва айтиш мумкинлики, жасорат билан ифода этилади...

ЎГУТ

**Оғир йигит! Сенинг ғўзал, нурли кўзингда Бу миллатнинг саодатин-бахтин ўқудим. Уйлашинг-да, туршишинг-да, ҳамда ўзингда Бу юрт учун қутилишинг борлигини кўрдим. Турма, югур, тинма, тириш, бўқилма, юксал! Хурма, кириш, қўрқма, ёпиш, юрма, кўзўғол! Эл йўлини тўсиб турган эски булутларини Ендириб қўй, иртиш ташла, барчасин йўқ эт! Қила олмасанг шу ишларни Сенинг учун ҳўрликдир бу!.. Ийқил, йўқол, кет!**

Бу шеърни Элбек «Ўғзал ёзғичлар» номли тўпламида (адабиёт хрестоматиясида) 1925 йилда чоп эттирган. Бу изоҳни биз нега бердик? Элбек 20-йилларда муттасил муаллимлик қилиб, дарсликлар, қўланмалар, қатор хрестоматиялар тузишда сафдошлари орасида энг фаол бўлган. Болалар тарбияси, педагогика, болалар учун шеърлар, эртақлар, масаллар ёзишда ҳам 20-йиллар ўзбек адабиётида энг кўп ижод қилган шоир, олим, адиб ва атоқли педагог Элбек бўлган... Фитратдан таялаб олиб эълон қилинган шеър гоёсида Элбек дунёқараш билан Фитрат қарашлари орасида қанчалик муштараклик борлиғига ҳам эътибор қаратмоқчимиз.

20-йиллар адабиёти тарихини ўрганишда адабий жараёнини ана шу жиҳатларини ўрганиш ҳам катта илмий аҳамиятга эгадир. Бу ўзи алоҳида тадқиқ этишга арзигулик мавзу дейиш мумкин... Хуллас, Фитратнинг биз юқоридида танишган шеър ёзилган давр республикамиз тарихида қандай давр эди? Фитрат шу даврда нега биз санаб ўтган аввалги асарлари ва мазкур шеърни ёзди? Буларнинг давр воқелиғига қандай алоқаси бор эди? Бундай саволларни қўллаб қўйиш мумкин. Лекин жавоби эса, турган гап, мураккаб.

Махсулот қамаиди... Деҳқон қашшоқлашди. Бутун республика - Собик Иттифокнинг ҳомашё заминига айланиб қолди. То 1991 йилгача давом этган бу дахшатларнинг сурункали асоратидан тўла-тўқис қутилмаган эдик.

Фитрат 1925 йиллардаёқ - ёшларга қарата бу юртнинг, миллатнинг бахти-саодати сенинг қўлинда, кўзингда. Уни кўтариши сенинг қўлинда... Югур, ётма, кўзўғол, элни тўсиб турган қора булут пардаларини иртиб ташла деб хитоб қилганда нималарни кўзда тутгани энди маълум бўлгандир... Бу сатрларни ёзмоқ учун қандай жасорат кераклигини бир тасаввур этинг-чи!

Агар ўйлаб қарасак, қазил империя собик СССРдаги барча халқларнинг энг атоқли вақилларини



Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

# ЖАҲОН СПОРТИДА ЯНГИЛИК

(Боши 1-бетда)

Миллий курашимиз тарихида 1998 йил 6 сентябрь ўзига хос сана бўлиб ҳисобланади. Чунки айнан шу кунни Тошкентда бўлиб ўтган халқаро таъсис конгрессида Халқаро кураш Федерацияси ташкил этилди. Конгрессда иштирок этган 28 мамлакат вакиллари билан барчаси бир овоздан Комилжон Юсуповни Федерациянинг биринчи президенти этиб сайлашди. Конгресснинг кун тартибидан ўрин эгаллаган масалалар ҳал этилиб, мавсумнинг спорт календарини белгиланди. Шунингдек, 1999 йили тахминан сентябрь ойида Жаҳон чемпионати ўзбекистонда бўлиши, белгиланди. 2-Жаҳон чемпионатининг ўтказилиши учун эса Литва, Голландия ва Арманистон давлатлари ўз номзодларини кўйдилар. Сўзга чиққанлар ушбу спортнинг истиқболли ҳақида гапирар эканлар, бизнинг кураши-


миз тез фурсатда олимпиада ўйинлари дастурига киритилишига ишонч билдирдилар. Халқаро конгресс ўз ишини якунлагандан сўнг «Жар» спорт мажмуида Ўзбекистон Президент кубоги учун кураш мусобақалари саралаш ўйинлари бошланди. Шу кун «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуи барча кураш муклисларини ўз бағрига сиғдира олмади. Ўзбекистон Президентини кубоги учун мусобақаларга қурраи заминимизнинг 28 мамлакатидан келган 40 нафар полвон гиламга чиқди. Мусобақаларга дастлаб Литва, Япония ва Кореядан полвонлар етиб келишди. Ундан сўнг АКШ, Боливия, Эстония, Финляндия, Латвия, Россия, Украина, Германия, Голландия, Венгрия, Польша, Болгария, Белоруссия, Озорбайжон, Туркия, Грузия, Англия ва бошқа давлатлардан кучли полвонлар келдилар. Мусобақаларнинг тантанали очилишидан олдин

мамлакатимиз эстрада юлдузлари, сўз усталари ўз санъатларини намойиш этдилар. Халқаро турнир иштирокчилари майдонда саф тортганлардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Алишер Азизхўжаев курашчи ва меҳмонларни мусобақанинг очилиши билан қутлаб, ўтказилган конгресс қарорига кўра Халқаро кураш Федерацияси ташкил этилиб, унинг фахрий президентини этиб Ўзбекистон Республикаси Президентини И.Каримов сайланганини маълум қилиб, мусобақани очиб деб эълон қилди. Сўнгра, мусобақа байрами тантанали равишда кўтарилди. Ушбу мусобақаларда Ватанимиз спорт шарафини қатор турнирлар голиблари Абдуқодир Пирматов, Аваз Бахромова, Эрали Маҳмарасулов, Муҳаммаддўст Тошев, олимпиада ўйинлари иштирокчилари Рустам Эргашев, Камол Муродов ҳамда Тоштемир Муҳаммадиев, Хуршид На-

заров, Рустам Юсупов каби умидли полвонлар ҳимоя қилишди. Олимпиада ўйинлари голиблари, жаҳон-оврўпо чемпионатлари голиб ва совриндорларининг мазкур мусобақаларда иштирок этиши бу миллий спорт турларимиздан бўлмиш курашнинг халқаро спорт майдонида эътироф этилишидир. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон яна бир ажойиб халқаро турнир орқали дунёга юз тутиб, спорт ички сиёсатимизнинг ажралмас қисми эканлигини ва унинг ютуқларини яна бир бор исботлади. Спорт дунёсидан яна бир спорт тури ўрин олди. Бу ҳам бўлса ўзбек миллий курашидир. Минглаб тошкентликлар ва пойтахт меҳмонлари полвонларнинг бош соврин учун шиддатли курашини томоша қилиб, унутилмас ва ҳаяжонли дақиқаларни бошдан кечирдилар. Туркиялик спортчи Селим Татари ўғлу кураш бўйича Ўзбекистон Президентини кубогини қўлга киритди.

- Дунёдаги энг кучли полвонлар иштирок этган бу мусобақанинг голиби бўлганимдан бахтлиман, - деди Селим Татари ўғли. - Бу мусобақа жуда яхши ташкил этилган ва самимий меҳмондўстлик билангина эмас, ҳакамларнинг юксалиги билан ҳам ёдимизда сақланиб қолади. Грузиялик полвон Давид Хахалишвили мусобақанинг кумуш совриндори бўлди. Унинг ватандоши Рамаз Чочивили бронза медалига сазовор бўлди. Яна бир

бронза медал эстониялик Индрек Бертельсонга берилди. Дониёр ЮСУПОВ. Суратларда: Президент кубоги учун мусобақалардан лавҳалар. Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.



**КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, ФИРМАЛАР РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Ўзбекистон ВАЗ тизимининг фирмали автомобиллари «Ўзбек-Лада» акционерлик уюшмасига бирлашиб «ЎЗЛАДА» акционерлик жамиятининг расмий дилерлари сифатида мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган «Нексия», «Тико» ва «Дамас» автомобилларини сотишни давом эттирмақдалар. Биз сизга шунини маъмурий ёл билан маълум қиламизки, автомобилларнинг исталган рангдаги ҳилма-хил моделлари сотувда ҳаминча бор. Улар «ЎЗЛАДА» акционерлик жамиятининг заводидан темир йул транспорт оқоли тўғрисида тўғри автомобилларга келтирилмоқда.

Сотув жарафиди юқори сифатли хизмат ва ҳужжатларни тезда расмийлаштиришни кафолатлаймиз. Ташкил қилинишни кўрамиз ва ички қисмларининг соғлигини таъминлашга қаратилган ҳамда машиналар тағини занган ва чиршидан асрайдиган ишловлар берилди. Сотуш олдидан таълиқни ўтказиб, кафолат ва кафолатдан кейинги хизматлар кўрсатилади.

Ҳақ тўлаш исталган турда. Бизнинг манзилларимиз:

1. Тошкент шаҳри, Халқаро дустлиги кўчаси 44-уй.
2. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, Савдо расталари қаториди автосалон, тел: 144-22-98
3. Андижон шаҳри, 5-микрорайон, Амир Темур кўчаси 18-уй. «Шахрихон-Лада» АЖ.Тел:(8-374-2) 26-95-48, 26-73-26.
4. Фарғона шаҳри, Тўқмачлар кўчаси 3-уй «Фарғона-Лада» АЖ. Тел:(8-373-2) 25-66-71, 25-74-92.
5. Наманган шаҳри, Айни кўчаси 88-уй «Наманган-Лада» АЖ. Тел:(8-369-22) 4-28-44, 4-28-08.
6. Янгиер шаҳри, 37- квартал, «Янгиер-Лада» АЖ. Тел:(8-372-22) 3-47-79.
7. Жиззах шаҳри, Р.Исаев кўчаси «Сазор-Лада» АЖ.Тел:(8-372-22) 3-47-79.
8. Бухоро шаҳри, Моҳи-Хоса кўчаси 22-уй «Ситора-Лада» АЖ. Тел: (8-365-22) 4-49-80, 4-56-65.
9. Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси 3-уй.3АЗ автомаркази АЖ.Тел:(8-366-2) 29-17-25.
10. Қарши шаҳри, Нақшад кўчаси 99-уй. «Қашқадар-Лада» АЖ. Тел: (8-375-22), 3-69-92, 3-62-92.
11. Ангор шаҳри, Ангор тумани, М.Азизов номли жамоа ҳўжалиги, «Сурхон-Лада» АЖ. Тел: (8-376-31), 2-26-60, 2-29-86.
12. Навоий шаҳри, Кармана,Рахимов кўчаси 6-уй. «Навоий-Лада» АЖ. Тел: (8-436-53) 3-42-15, 2-37-14.
13. Хива шаҳри, Ободия кўчаси,1-уй. «Аму-Лада» АЖ. Тел: (8-362-37) 5-36-97.
14. Нукус шаҳри, Беруний кўчаси, 1-уй. «Орол-Лада» АЖ.Тел: (8361-22) 3-39-00.

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ**

Россиядаги ҳозирги иқтисодий таназзул ҳусусида тўхталган Қирғизистон Президентини А.Акаев: Россиянинг орқага кетиши биз учун ҳам хатарлидир, биз уни қўлашимиз керак, бу ҳақда биз Қозогистон Президентини Н.Назарбоев билан келишиб олдик, деган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тожикистондаги махсус вакили Ян Кубеш БМТ талаблари қондилган тақдирдагина халқаро ташкилот Афғонистондаги тожик қочқинларини Ватанларига қайтаришда ёрдам беражакларини билдирган.

Шу йилнинг сентябрийдан бошлаб Тожикистонда янги жиноят кодекси қучга кирган. Шу вақтгача совет даврида, яъни 1961 йилда қабул қилинган қонунга амал қилиб келинар эди. Янги жиноят кодекси аввалгисидан фарқли ўлароқ бунда инсон ҳуқуқларининг ҳимояси биринчи ўринга қўйилган. Қонун мажмуида оғир жиноят қилганларга нисбатан ўлим жазоси белгиланган, тузиладиган сийёсий партиялар қонун доирасида иш олиб боришлари белгилаб қўйилган.

Қозогистон миллий ҳафсизлик ҳодимлари Чимкент шаҳрида чет эллик бир нечта фуқарони қўлга олганлар. Бу шахслар диний ҳокимият тузишга, кофирларга қарши курашиш ғоясини тарғиб қилганлар.

Олти кунлик амалий визит билан Хитойга борган Туркменистон Президентини С.Ниязов у ерда мамлакатнинг юқори мартабали амалдорлари, ишбилармонлари билан учрашган. Учрашувада Хитойгача ўтказиладиган газ қувури ҳақидаги, шунингдек, иккала мамлакат ўртасидаги туризм ва маданий алоқаларни ривожлантиришга оид бир нечта ҳужжатлар имзоланган.

**БОЛАЛАРГА БЕПУЛ ЎҚУВ ҚУРОЛЛАРИ**

«Чортоқ» шу ном билан аталувчи тумандаги кенжа ҳўжаликлардан ҳисобланади.

Бу йил ташкил этилганлигининг 20 йиллигини нишонлаган ҳўжалик аъзолари қувончи воқеанинг ғувоҳи бўлдилар. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришга алоҳида ҳисса қўшган 160 кишига турли қимматбаҳо муқофотлар топширилиши билан бир қаторда ҳўжаликда меҳнат қилаётганларнинг 10 фойизи фарзандларига ёки кам таъминланган ҳамда кўп болали ҳисобланган оилаларнинг ўғил-қизларидан 50 нафарига ўқув қуроллари совға қилинди.

О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

**Дилором Ҳамидова узоқ йиллардан бери Оққўрғон тумани Олимпикент қўрғонидаги 46-ўрта мактабда ўқувчиларга дарс бериб келмоқда. Янги ўқув йили муаллима учун қувончли бошланди. У «Ўзбекистон халқ таълими аълоҳиси» нишони билан тақдирланди.**

Суратда: Олимпикент фуқаролари йилнинг раиси Б.Шерғозиев ўқитувчи Д.Ҳамидовани муқофот билан қутламоқда.

Хусанбой АБВАЛОВ олган сурат

**Гулбадан БЕГИМ**

Гулбадан бегим Заҳириддин Муҳаммад Бобуршўхнинг Дилдор бегим номли хотинидан туғилган учинчи қизидир. Гулбадан бегим 1523 йили Қобулда туғилган. Унинг онаси Дилдор бегимнинг ҳақиқий исми - Солиҳа Султон бегим бўлиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг амакиси Султон Маҳмуд Мирзонинг кизи эди. Гулбадан бегим отаси Бобур подшўхнинг фармонида кўра катта онаси, яъни Ҳумоюн Мирзонинг онаси - Мохим бегим қўлида тарбияланади. Мохим бегим Бобур подшўхнинг энг севикили катта хотини, ҳукмдорнинг хотинлари орасида энг оқила ва билимдони эди. Бинобарин, 1525 йили Гулбадан бегимни Мохим бегим ўз тарбиясига олади. Гулбадан бегим ҳар иккала онасини ҳам самими аъзолаган. У ўз асарида онасини «Дилдор бегим» деб, Мохим бегимни эса «онам ҳазратлари» деб тилга олади.

Гулбадан бегим 1529 йилгача Қобулда яшайди. Бобур Ҳиндистонни қўлга киритган, Мохим бегим билан бирга подшўх отасининг ҳузурига - Аграга боради. Отаси Бобур вафотидан сўнг, акаси Ҳумоюн подшўх саройида яшайди. 1539 йилда Гулбадан бегимни Хизр Хўжагонга турмушга чиқарадилар. У бир ўғил қўради, исмини Саодатёр деб атайдилар. 1556 йили Ҳумоюн подшўх вафотидан сўнг салтанат тахтига унинг ўғли Жалолиддин Ак-

**Темурий маликалар**

баршўх (1542-1605) ўтиргач, шўхнинг онаси Ҳамидова бону билан Гулбадан бегим саройига - Дехлига қайтиб келадилар. Ана шундан сўнг, Гулбадан бегим то умрининг охиригача жияни Акбар подшўх саройида яшайди.

Гулбадан бегим ўз замонасининг оқила, донишманд аёлларидан эди. У жияни Жалолиддин Акбар подшўхнинг «Фирдавс макон ва жаннат ошён» Ҳазрат ҳақидаги воқеалардан нимаики билсангиз, ёзингиз», - деган ишорасига мувофиқ, «Ҳумоюннома» номли ажойиб ва муҳим тарихий асарини ёзишга киришади. «Ҳумоюннома» Бобур подшўх билан Ҳумоюн подшўхнинг ҳаёт тарзи ва саргузаштларининг мухтасар тарихи бўлиб, мантиқан «Бобурнома»нинг давомидир. Бу асарнинг муҳимлиги яна шундаки, «Бобурнома» асаридида айрим воқеаларнинг келиб чиқиш сабаблари мукамал очиб берилади.

Гулбадан бегим ўз асаридан сарой аҳлининг ҳаёт тарзи, шунингдек, тарихий асарларда учрамайдиган Бобур подшўх хонадонининг нозик хусусиятлари, оилавий шариоатлари, тўй ва аза билан боғлиқ удулмар, уй-рўзғор асбоблари, кийим-кечак турлари каби жиҳозлар ҳақида муфассал ҳикоя қилади. Аммо, афсуски, асарнинг охириги қисми ўша замоннинг суронли йилларида йўқолиб кетган.

Мир Маҳди Мирзонинг «Тазкират ул-ҳавотин» асаридида келтирилган «Севгисиз ҳаётда маъно йўқ» мазмунидидаги икки байтига қараганда, Гулбадан бегимнинг газалиётдан ҳам хабари бўлган.

**ХОНЗОДА БЕГИМ**

Хонзода бегим Умар Шайх Мирзонинг (1456-1494) қизи, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг онаси. У 1478 йилда Андижонда туғилган. Унинг онаси - Қутлуг Нигор хоним Тошкент хони Юнусхоннинг қизи эди.

Тарихий манбааларнинг шўхидлик беришича, Хонзода бегим дид-фаросатли, ўткир зеҳли ва ақл-заковат соҳибаси бўлган. Хонзода бегим айни балоғат ёшига етганди, отаси Умар Шайх Мирзо тасодифан жардан йиқилиб, оламдан ўтади. Ота тахтига ўтирган 12 ёшли Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг қисматида дарбадарлик даври бошланади. Ёш Бобур Мирзода боқоқалони Амир Темур тахтини эгаллаш ҳаваси уйғониб, Самарқандга бир неча ҳарбий юришлар қилади. Ниҳоят, 1500 йили Самарқандни қўлга киритишга муваффақ бўлади. Ам-

мо кўп ўтмай Шайбонийхон қўшини тортиб келиб, Самарқандни қамал қилади. Қамал кўпга чўзилиб, шаҳарда дахшатли очарчилик ва ўлим авжига чиқади. Бобур Мирзонинг кўпгина одамлари шаҳарни ташлаб қочадилар. Бобур Мирзо ниҳоят даражада кучсизланиб, ҳатто қамални ёриб чиқиб кетиш имкониятига қодир бўлмади қолади. Ана шундай оғир вазиятда Шайбонийхон Бобур Мирзога сулҳ таклиф қилади. Кейинчалик Ана шу воқеани Бобур Мирзо ўзининг машҳур «Воқеаном» («Бобурнома») асаридида қуйдагича тасвирлайди: «Бу маҳалда Шайбонийхон сулҳ сўзини арога солди. Агар бир тарафдин умидворлик бўлса эди, ё заҳира бўлса, сулҳ сўзига ким қулоқ солар эди. Зарурат бўлди, сулҳгина қилиб, кечадин икки паҳр бўла ёвушиб эдиким, Шайхзода дарвозасидан чиқилди. Волидам хонимни олиб чиқдим. Яна икки хотин киши чиқди: бири Бичка халифа эди, бири Минглик қўлгалтош эди. Менинг эғачим Хонзодабегим ушбу чиққанда Шайбонийхоннинг илқиға тушди».

Аммо бу воқеа аслида бошқачароқ бўлган. Шайбонийхон Бобур Мирзога сулҳ таклиф қилиши билан бирга Хонзода бегимни ўзига хотинликка сўраган. Агар Бобур Мирзо шунга розилик берса, у ҳолда ўз ҳарамини Самарқанддан саломат олиб чиқиб кетишга имконият ярати беражаклини айтган.

Бу воқеани Бобур Мирзонинг қизи - Гулбадан бегим ўзининг «Ҳумоюннома» асаридида қуйдагича тасвирлайди: «Ана шундай вақтда Шохибек (Шайбонийхон) хон «агар ўз эгачингиз Хонзода бегимни менга хотинликка берсангиз, орамизда сулҳ тузилади ва ҳамжиҳатлик алоқалари ўрнатилади, - деб айтгизиб юборди. Охир Хонзода бегимни ўша хонга бериб, ўзларининг қайтишлари зарур бўлди. Гулбадан бегимнинг бу фикрини «Тарихи Рашидий» асарининг муаллифи - Ҳайдар Мирзо ҳам тасдиқлаб, «унинг қаршилик кўрсатишга ҳеч чораси қолмай, Шайбонийхон билан сулҳ тузиб, ўз эгачиси Хонзода бегимни унга хотинликка берди», - деб ёзади.

Шундай қилиб, Хонзода бегим Шайбонийхон никоҳига қиради ва ундан бир ўғил қўради. Исмини Хуррамбек деб атайдилар.

Шайбонийхон қатлидан сўнг Хонзода бегим укаси Заҳириддин Муҳаммад Бобуршўхнинг саройи - Қобулга қайтиб келади. Кўп ўтмай ўғли Хуррамбек ҳам вафот этади. Хонзода бегим ўзининг ақл-идроки ва тadbиркорлиги натижаси ўлароқ, сарой маликалари орасида юксак эътиборга эга бўлади. Хонзода бегим Бобуршўх ва унинг тахт воқисиси Ҳумоюн шўх саройида маслаҳатчи вазифасини бажарган.

1544 йили Хонзода бегим Қобулхак деган жойда оламдан ўтади. Орадан уч ой ўтгач, унинг хонини Қобулга келтириб, Бобуршўх макбарасига дафн қиладилар.

Турғун ФАЙЗИЕВ, Ўзбекистон Фанлар Академияси Беруний номидаги шарқшунослик институтининг етакчи илмий ҳодими.

**«ТОШШАҲАРЙЎЛОВЧИТРАНС»**

Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорт корхоналари давлат уюшмаси чипта сотувчиларни ишга таклиф этади.

**ЭЪТИБОР БЕРИНГ!** Бир йилдан ортиқ иш стажига эга бўлганларга ҳар ойда тариф ставкасининг 20 дан 50 фоизгача миқдорда устама ҳақ тўланади.

**ЯНА — шаҳар йўловчи транспортни чипта сотувчилари имтиёзли нафақага чиқши, даромадлардан имтиёзли солиқ тўлаш ҳуқуқиға эга бўладилар.**

Маълумотлар учун телефон рақамлари: 34-84-19, 34-82-37.

**«БОТАНИКА» САНАТОРИЙСИГА МАРҲАМАТ!**

**Азизлар, санаториймизда:**

- \* Мўъжизали маъданли сув.
- \* Жиззах вилоятининг Балиқчи қўлидан келтирилган сульфидли гил балчиғи.
- \* Психотерапия хоналари.
- \* Шағам.
- \* Лазер.
- \* Электрофизиотерапия ускуналари ёрдамида неврология, орғозон-ичак, жигар касалликлари билан оширган барча беморлар дардларига даво оладилар.

**Манзилгоҳ: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Оқ қовоқ» қишлоғи, «Ботаника» санаторийси.**

**Тел: (8-3712) 64-26-26 (8-295) 61-263, 61-761.**

Мирзо Улугбек туманидаги 000 «Духрат ЛТД»нинг штамп ва думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНДИ.

**БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ:** ЧОРИ ЛАТИПОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси: 56-25-36  
Бош муҳаррир урибосари: 56-52-89  
Масъул котиб: 56-52-78

**БУЛИМЛАР:**  
Қасаба ўқувчилари ва иқтисодиёт: 56-82-79.  
Ақборот ва спорт: 56-87-63. Мазмунинг ва маълумот: 56-82-79. Халқаро оммавий ишлар ва муҳбарлар билан ишлаш: 56-85-43. Тизорат ва ҳўқуқ: 56-85-66.

**ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:**  
Жиззахда: 3-83-01, Наманганда: 6-22-10.  
Самарқандда: 35-64-24, Фарғонада: 24-58-43.  
Урганчда: 6-03-40, Қаршида: 5-33-71.

Ташкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Права Востока») кўчаси, 24-уй.  
Найр курсаткичи: 133; 134

Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Мабуот қўмитаси томонидан 5 рақамли ғувоҳнома берилган. ИВМ компьютерли термини ва суфидланган, Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма тўбоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00  
Топшириш: 22.30

Буюртма Г — 0337. Нуسخаси — 15.088. Масъул набағчи: Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА 12 34 56